



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 14 » август

№ 488

Toshkent sh.

Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 8 январдаги 8-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги томонидан республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражаси кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш бўйича “**BUSINESS INDICATOR**” автоматлаштирилган онлайн ахборот тизими ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 8 январдаги 8-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 14 августдаги 488-сон қарорига
илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Республика худудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 8 январдаги 8-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Қарор 4-бандининг биринчи хатбоши, 5-бандининг “а” кичик банди учинчи хатбохисидаги ҳамда 7 ва 8-бандлардаги “Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги” сўzlари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Қарорга 1-иловада (Республика худудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомда):

а) 3-банднинг бешинчи хатбоши, 6-банддаги, 8-банднинг биринчи ва йигирма тўртинчи хатбошиларида “Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги” сўzlари тегишлича “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 17-банддаги “иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринbosарлари” сўzlари “молия – иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринbosарлари” сўzlари билан алмаштирилсин;

в) куйидаги мазмундаги 18¹-банд қўшилсин:

“18¹. “Намунали” деб топилган вилоят ёки туман (шаҳар) даражасидаги худудда тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига таъсир этувчи ташкилотлар ходимлари фақат ушбу ташкилотлар масъул бўлган кўrsatкичлар “намунали” бўлган тақдирда тақдирланади.”;

г) куйидаги мазмундаги 19¹-банд қўшилсин:

“19¹. “Қониқарсиз” деб топилган вилоят ёки туман (шаҳар) даражасидаги худудда тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига таъсир этувчи ташкилотлар раҳбарлари фақат ушбу ташкилотлар масъул бўлган кўrsatкичлар “қониқарсиз” бўлган тақдирда интизомий жавобгарликка тортилади.”;

д) Низомга 1-илованинг “Масъуллар” устунидаги 1, 2, 4, 5, 6 ва 9-босқичларидаги “Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги” сўzlари тегишлича “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин;

е) Низомга 2-иловада:

9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсін:

“9. Ярим йил давомида тегишли худудда ер участкаларини давлат ва жамоат әхтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари ва халқ депутатлари Кенгашлари қарорларида назарда тутилган тадбиркорлик субъектлари ҳамда нотуар кўчмас мулк мулкдорлари бўлган жисмоний шахслар сони* уларнинг ушбу худудда фаолият юритаётган ҳар 1 000 нафар тадбиркорлик субъектларига тўғри келадиган ўртача миқдорини аниқлаш йўли билан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$И_3 = (K_b / T_{x\phi}) \times 1000$$

бунда:

I_3 – индикатор миқдори (сонда);

K_b – ер участкаларини давлат ва жамоат әхтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари ва халқ депутатлари Кенгашлари қарорларида назарда тутилган тадбиркорлик субъектлари ҳамда нотуар кўчмас мулк мулкдорлари бўлган жисмоний шахслар сони;

$T_{x\phi}$ – тегишли худудда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони.

*) Туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан ҳар ярим йилликда ер участкаларини давлат ва жамоат әхтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари ва халқ депутатлари Кенгашлари қарорларини хатловдан ўтказиши орқали аниқланади”;

13-банддаги “ I_7 ” белгилари “ $I_{7.1}$ ” белгилари билан алмаштирилсін;

қуйидаги мазмундаги 13¹-банд қўшилсін:

“13¹. Ярим йил давомида тегишли худудда тадбиркорлик субъектларидан Давлат бюджетига (Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар) келиб тушган тушумларнинг миқдорини аниқлаш йўли билан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$I_{7.2} = T_t - T_{xd}$$

бунда:

$I_{7.2}$ – индикатор миқдори (сўмда);

T_t – тегишли худуддаги Давлат бюджетига тўланган солиқ тўловлари (жисмоний шахслардан ва давлат органларидан ундирилган солиқ тўловлари бундан мустасно) миқдори (сўмда);

T_{xd} – тегишли худудда фаолият юритаётган давлат иштирокидаги ташкилотлар томонидан тўланган солиқ тўловлари.”

31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсін:

“31. Тегишли худудда ўтказилган сўровлар натижасига қўра, тадбиркорлик субъектларига муҳандислик-коммуникация хизматлари амалда

күрсатылғанлығы индикатори 1 дан 5 гача бўлган ўртacha баллар йиғиндиси бўйича қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$I_{18} = ((\mathcal{E}_y + \Gamma_y + C_y) / 3$$

бунда:

I_{18} – индикатор микдори (сонда);

\mathcal{E}_y – етказиб берилган электр энергиясига тегишли худуддаги тадбиркорлик субъектлари томонидан қўйилган ўртacha балл;

Γ_y – етказиб берилган табий газга тегишли худуддаги тадбиркорлик субъектлари томонидан қўйилган ўртacha балл;

C_y – етказиб берилган ичимлик сувига тегишли худуддаги тадбиркорлик субъектлари томонидан қўйилган ўртacha балл”;

куидаги мазмундаги 31¹-банд қўшилсин:

“31¹. Тадбиркорлик субъектларига етказиб берилган электр энергияси, табий газ ва ичимлик сувига қўйилган ўртacha балл қуидаги формула асосида аниқланади:

$$\left. \begin{array}{c} \mathcal{E}_y \\ \Gamma_y \\ C_y \end{array} \right\} = ((B_{y1} / P_{c1}) + \dots + (B_{yn} / P_{cn})) / C_n$$

бунда:

B_{yi} – биринчи савол бўйича жами баллар йиғиндиси;

P_{ci} – биринчи савол бўйича иштирок этган жами респондентлар сони;

B_{yn} – ҳар бир савол бўйича жами баллар йиғиндиси;

P_{cn} – ҳар бир савол бўйича иштирок этган жами респондентлар сони;

C_n – сўровда берилган жами саволлар сони.

Мисол учун: Электр энергияси тармоғига уланиш ва таъминланганлик даражаси бўйича сўровнома 3 та саволдан иборат бўлиб, 1-саволда 1 000 нафар респондент, 2-саволда 800 нафар респондент ва 3-саволда 700 нафар респондент иштирок этган тақдирда:

Савол	Жами респондент (P_{cn})	Жавоб варианtlари	Берилган жавоблар сони	Кўйиладиган балл	Ҳар бир жавоб бўйича баллар йиғиндиси	Б _{yn}
1	2	3	4	5	6=(4x5)	7
1-савол	1 000	1-жавоб	200	1	200	2 600
		2-жавоб	250	2	500	
		3-жавоб	350	3	1 050	
		4-жавоб	150	4	600	
		5-жавоб	50	5	250	

2-савол	800	1-жавоб	100	1	100	2 375
		2-жавоб	200	2	400	
		3-жавоб	250	3	750	
		4-жавоб	125	4	500	
		5-жавоб	125	5	625	
3-савол	700	1-жавоб	50	1	50	2 675
		2-жавоб	85	2	170	
		3-жавоб	105	3	315	
		4-жавоб	160	4	640	
		5-жавоб	300	5	1 500	

Юқоридагиларга асосан электр энергияси учун ўртача балл қуидаги аниқланади:

$$((2600 / 1000) + (2375 / 800) + (2675 / 700)) / 3 = 3,13 \text{ балл}$$

бунда:

- 2 600 – 1-савол бўйича жами баллар йигиндиси;
- 1 000 – 1-саволда иштирок этган жами респондентлар;
- 2 375 – 2-савол бўйича жами баллар йигиндиси;
- 800 – 2-саволда иштирок этган жами респондентлар;
- 2 675 – 3-савол бўйича жами баллар йигиндиси;
- 700 – 3-саволда иштирок этган жами респондентлар;
- 3 – саволлар сони”;

32-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“32. Тегишли худудда ўтказилган сўровлар натижасига кўра, тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатининг индикатори 1 дан 5 гача бўлган ўртача баллар йигиндиси бўйича қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$И_{5,2} = ((Б_{и1} / P_{c1}) + \dots + (Б_{ин} / P_{cn})) / C_n^{**}$$

**) Ушбу Методиканинг 31¹-бандида келтирилган тартиб бўйича ҳисобланади”;

33-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“33. Тегишли худудда ўтказилган сўровлар натижасига кўра тадбиркорлик субъектлари томонидан мажбурий ҳомийлик ва бошқа тадбирларга жалб этиш 1 дан 5 гача бўлган ўртача баллар йигиндиси бўйича қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$И_{19} = ((Б_{и1} / P_{c1}) + \dots + (Б_{ин} / P_{cn})) / C_n^{***}$$

***) Ушбу Методиканинг 31¹-бандида келтирилган тартиб бўйича ҳисобланади”;

34-банд қуидаги таҳрирда баён этилсін:

“34. Тегишли худудда ўтказилған сўровлар натижасига кўра, тадбиркорлик субъектларининг ташкилотлар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига бўлган ишончи индикатори 1 дан 5 гача бўлган ўртacha баллар йифиндиси бўйича қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$I_{20} = ((B_{i1} / P_{c1}) + \dots + (B_{in} / P_{cn})) / C_n \text{****}$$

****) Ушбу Методиканинг 31¹-бандида келтирилган тартиб бўйича ҳисобланади”;

35-банд қуидаги таҳрирда баён этилсін:

“35. Индикатор кўрсаткичларини баҳолашда $I_1, I_3, I_{7.1}, I_{7.2}, I_8, I_{10.1}, I_{10.2}, I_{11.1}, I_{11.2}, I_{11.3}, I_{11.4}, I_{12}, I_{15.1}, I_{18}, I_{5.2}, I_{19}, I_{20}$ индикаторлари туман (шаҳар) даражасида, $I_{2.1}, I_{2.2}, I_4, I_{5.1}, I_6, I_{9.1}, I_{9.2}, I_{10.3}, I_{13}, I_{14}, I_{15.2}, I_{16}, I_{17}$ индикаторлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар даражасида ҳисобланади. Мазкур Методика бўйича аниқланган индикаторлар ижобий ва салбий кўрсаткичларга эга бўлади”;

36-банддаги “ I_7 ” белгиси “ $I_{7.1}, I_{7.2}$ ” белгилари билан алмаштирилсін;

39-бандда:

“ B_{ii17} ” белгиси “ B_{ii18} ” белгиси билан алмаштирилсін;

“17” рақами “18” рақами билан алмаштирилсін;

ж) Худудларда тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш бўйича методикага 1-иловада:

2 ва 17-позицияларнинг “Маълумотларни киритиш учун масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар” устуnidаги “Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги” сўzlари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсін;

7-позицияда:

“Индикатор (кўрсаткич)ни ҳисоблаш методикаси” устуни қуидаги таҳрирда баён этилсін:

“1. Худуддаги тадбиркорлик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига туширилган тушумнинг ушбу худуддаги фаолият юритаётган ҳар 1 000 нафар тадбиркорлик субъектларига тўғри келадиган миқдори.

2. Худудда тадбиркорлик субъектларидан Давлат бюджетига (Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар) келиб тушган тушумларнинг миқдори.”;

“Маълумотларни киритиш учун масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар” устуnidаги “Молия вазирлиги” сўzlари “Давлат солиқ қўмитаси” сўzlари билан алмаштирилсін;

12-позициянинг “Маълумотларни киритиш учун масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар” устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (республика бўйича расман банд бўлган аҳоли сони бўйича), Давлат статистика қўмитаси (республика бўйича тадбиркорлик субъектларида расман банд бўлган аҳоли сони бўйича)”;

з) Худудларда тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш бўйича методикага 2-илованинг 1-3-позициялари “Маълумотларни киритиш учун масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар” устунидаги “Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги” сўzlари тегишлича “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин.

3. Қарорга 2-иловада:

а) 10-банддаги “Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг худудий бўлинмалари” сўzlари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг худудий бўлинмалари” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 13-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий бўлинмалари” сўzlари “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг худудий бўлинмалари” сўzlари билан алмаштирилсин.

